

Илк мартаба уруш қатнашчиларига ким томонидан маош жорий этилган?



11:00 / 01.05.2023 2645

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу чап қўлида овқат еяётган кишини кўриб: «Ўнг қўлингда егин», деди.

У киши: «Униси машғул, банд», деди.

Умар розияллоҳу анҳу: «Уни нима машғул қилди?», дея сўради.

У: «Мўъта ғазоти кунида яраланганман ва у ҳаракатсиз бўлиб қолган», деди.

Шунда Умар йиғига тушиб кетди ва: «Ким сени таҳорат қилдиради, ким кийимларингни ювади, ким сени бошларингни ювиб қўяди? Ким, ким, ким?» дея саволга тута кетди. Сўнгра у кишига маош тайин қилди, бир қаровчи ходим белгилади ва улов берди.

Салама ибн ал-Акваъ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида чап қўли билан таом еди. Бас, у зот: «Ўнг қўлинг билан е!» дедилар. «Қодир эмасман», деди у. «Қодир бўлмагин! Уни кибрдан бошқа нарса ман қилмади», дедилар у зот. Ҳалиги одам қўлини оғзига кўтара олмай қолди». Муслим ривоят қилган.

Ушбу ҳадисда динимизда овқатланиш маданиятига қанчалик аҳамият берилганлигини ёрқин кўриб турибмиз. Албатта, гап овқатланишнинг исломий маданияти ҳақида кетмоқда. Овқатланишнинг исломий маданиятларидан бири ўнг қўл билан ейишдир. Ҳар бир мусулмон инсон бу муҳим ишга алоҳида эътибор билан қараши лозим. Баъзи бир кишилар бу исломий маданиятга риоя қилмасалар, уларни огоҳлантириш керак. Ушбу ривоятнинг қаҳрамони ҳам Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида овқатланишнинг исломий маданиятига риоя қилмай, чап қўли билан таом ейишга тутинди. Албатта, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам бу ҳолга бепарво бўлишлари мумкин эмас эди. Шунинг учун мазкур одобсиз кишига таълим бериб: «Ўнг қўлинг билан е!» дедилар». Бундай пайтда ҳар қандай одам таълим берувчига ташаккур айтиб, ўзини ўнглаб олишга уринади. Одоб-ахлоқ тақозоси шу. Аммо ҳалиги одам Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга ташаккур айтиб, ўз хатосини тузатиб, ўнг қўли билан таом ейишга ўтиш ўрнига: «Қодир эмасман», деди». Яъни, бу «Овқатни ўнг қўлим билан ея олмайман. Чап қўлим билан еявераман», дегани эди. Ўзи нотўғри иш қила туриб, унга меҳр кўрсатиб, хатосини тўғрилаб қўйган зот Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга нисбатан бундай бетгачопарлик қилган нобакор ҳар қандай жазога ва қарғишга лойиқ эди. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам очик-ойдин қилиб: «Қодир бўлмагин!» дедилар». Яъни «Ўнг қўлинг билан таом ея олмасанг, бир йўла ея олмай қолгин», дедилар. Ҳамда у ерда ҳозир бўлганларга тушунтириш учун: «Уни кибрдан бошқа нарса ман қилмади», деб, қўшиб қўйдилар. Яъни, у одам юқоридаги гапни ҳақиқатда ўнг қўлида нуқсон борлиги учун эмас, кибр билан хатосини тан олишдан бош тортиб айтган эди. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам уни дуоибад қилдилар. У зот соллаллоху алайҳи васалламнинг дуолари жойида қабул бўлди. «Ҳалиги одам қўлини оғзига кўтара олмай қолди». Ўз фойдасини билмаган, шариат ҳукмидан кўра ўзининг кибрини устун қўядиганлар учун бу ҳам кам!

Демак, ушбу ҳадисга мувофиқ чап қўл билан таом еб бўлмаслиги, бировнинг чап қўл билан еганини кўрган одам, унга ўнг қўл билан ейишини эслатиб қўйиши, диний ҳукмлар бўйича насиҳат эшитган одам мутакаббирлик қилмаслиги, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари дарҳол қабул бўлишини билиб оламиз. Аллоҳ таоло барчаларимизга офият берсин.

Хуршид Маъруф тайёрлади